



Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgzt.uz, info@uzssgzt.uz • 2015 йил 6 март • № 9 (1030)

Аёл ва жамият

ЮКСАК ЭЪТИБОР ВА ИШОНЧ

хотин-қизлар зиммасига катта масъулият юклайди

Хотин-қизларимизнинг жамиятда тутган ўрни ва ҳақ-ҳуқуқлари тўғрисида соатлаб гапириш мумкин. Қайсики мамлакатда аёлларга эътибор қилинмас экан, ўша жамиятда тараққиёт ҳам, ривожланиш ҳам бўлмаслиги турган гап. Аёл ҳамиша ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасида бизга инсонийлик, меҳр-муҳаббат, садоқат туйғуларидан сабоқ бериб туради. Шунини алоҳида таъкидлашни истардикки, жамият ривожини хотин-қизларсиз, уларнинг иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди.



Юртимизда аёл ҳуқуқи энг олий, энг муқаддас қадрият ҳисобланади. Шундай экан, мамлакатимизда ушбу йўналишда улкан ислохотлар, ўзгаришлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикасининг давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги, “Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, “Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонлари шулар жумласи-

дандир. Қолаверса, мамлакатимиз Конституцияси, “Меҳнат”, “Оила” кодекслари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, яна ҳам аниқроғи 80 дан ортик меъёрий ҳужжатлар бевосита аёллар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилганлиги билан эътиборлидир.

Мавлуда ХОДЖАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

– Аёлни эъзозлаш, унга эҳтиром кўрсатиш ўзбек халқига хос олижаноб хусусиятлардан биридир. Шу маънода Ўзбекистонда хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини мустаҳкамлаш борасида давлат аҳамиятига молик тарихий ишлар амалга оши-

рилмоқда. Зеро, жамиятда сиёсий, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлиги ва тараққиёти аёлларга, ёшларга, оилага бўлган муносабат ва эътибор билан боғлиқ. Мамлакатимиз Президенти аёлларнинг жамиятдаги ўрни ва ролига юқори баҳо бериб, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, хотин-қизларимизнинг билимдон, замонавий мутахассис, малакали қасб эгалари бўлишлари ҳамда соғлом ва мустаҳкам оила қуришлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш, биринчи навбатда, соғлом бола туғилиши ва уни тарбиялаш, оналар ва болалар соғлигини

(Давоми 3-бетда).

Мунис ва меҳрибон онажонлар, азиз ва муҳтарама аёллар, дилбар опалар, оқила қизлар, баҳорий байрамингиз муборак бўлсин!

Дунёда шундай бир улуг зот борки, биз ундан доимо қарздормиз. У ҳам бўлса онадир.

она иродаси тимсол, кимдаким пок муҳаббат ва меҳри дарёлик даъво этса, онанинг пок қалби тимсол.

Жаҳонда нимаики оқ бўлса, унга она сути тимсол, нимаики жўшқин ва қайноқ бўлса, унга ҳам она меҳри тимсол, нимаики чидамли, сабр-тоқатли бўлса,

Куёшдан сўрашибди: “Сенинг ҳароратингдан зўрроқ ҳарорат борми?”
“Бор”, деб жавоб берибди қуёш: “Она меҳри менинг тафтимдан ҳам кучлироқ”.



29 март – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

МАМЛАКАТ ТАҚДИРИГА МАСЪУЛЛИК ҲИССИ

ҳар бир фуқаронинг инсонийлик бурчидир

Мустаҳкам қонунчилик асоси

Давлат ҳокимиятини эркин ва ошқора, муқобиллик асосида ташкил этиладиган сайловлар орқали шакллантириш демократиянинг олий кўринишидир. Сайловлар орқали фуқароларнинг давлат ишларини бошқаришдаги иштироки амалга оширилади. Мустақиллик йиллари мобайнида Ўзбекистонда янги сайлов қонунчилиги тизими шаклланди. Бу борадаги дастлабки қадам 1991 йилнинг 18 ноябрида қўйилди. Айнан шу куни “Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлов тўғрисида”ги Қонун қабул қилиниб, МДХ давлатлари орасида биринчи бўлиб кўппартиявийлик асосида сайлов ўтказишга ҳуқуқий замин яратилди.

Мамлакатимизда сайлов қонунчилиги, жумладан Президент сайлови тўғрисидаги қонунчилик қисқа даврда муайян тараққиёт босқичини босиб ўтди. Қонунчиликда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини Ўзбекистон Республикаси фуқаролари умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан амалга оширишлари белгилаб қўйилди.

Мамлакатимизда ушбу соҳада қабул қилинган барча қонунчилик ҳужжатлари адолатлилик, очиқлик, ошқоралик ва транспарентлик принциплари асосида фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларига сўзсиз риоя этиши, сайловчиларга сайловда эркин иштирок этиш учун зарур шарт-шароитлар, Президентликка номзод кўрсатадиган сиёсий партияларга эса сайлов кампанияси давомида кенг ва тенг имкониятлар яратишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Бундан ташқари, сайлов қонунчилигига сайлов эркинлиги принципини янада тўлиқ амалга ошириш, сайловдан ташвиқотини ўтказишда сиёсий партиялар ва улар томонидан кўрсатилган номзодларни тенг шароитлар билан таъминлаш самардорлигини ошириш, сайловлар давомида ошқораликни таъминлашнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш учун ўзгартиш ва қўшимчалар ҳам киритилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасига киритилган тузатишларга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига жаҳон амалиётида илк бор бошқа ҳокимият органларининг ҳеч қандай аралашувисиз сайловларга тайёргарлик қўриш ва уларни ўтказишни таъминлайдиган, давлат ҳокимияти тизимида алоҳида ўрин тутган конституциявий орган мақоми берилди. Марказий сайлов комиссиясига бу борада мутлақ ваколатлар берилган. Мустақиллик, қонунийлик, коллегиялик, ошқоралик, адолатлилик Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси фаолиятининг асосий принциплари этиб белгиланди. Буларнинг барчаси сайловчиларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириши, сайловларнинг демократлигини таъминлаш кафолатларини янада кучайтирди.

Яна шуни таъкидлаш керакки, барча даражадаги сайлов комиссияларининг фаолияти ва сайлов жараёнининг ҳар бир босқичида ўтказиладиган барча тадбирлар қонун, шунингдек, Марказий сайлов комиссияси томонидан қонунчилик талабларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастури билан тартибга солинмоқда.

Ҳуқуқий маданиятни ошириш йўлида

Хабарингиз бўлса, мамлакатимизнинг барча ҳудудлари бўйлаб Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссиялари аъзоларининг ҳуқуқий билимини янада ошириш ва участка сайлов комиссиялари ишини самарали ташкил этиш масалаларига бағишланган семинар-тренинглар ташкил этилди.

Унда мамлакатимизда амалга оширилаётган босқичма-босқич ва изчил ислохотлар самарасида демократик талаблар ва умумэтироф этилган халқаро стандартларга тўла жавоб берадиган миллий сайлов тизими яратилгани алоҳида эътироф этилди. Шунингдек, иштирокчиларга Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказишда Марказий сайлов комиссиясининг вазифаси, халқаро сайлов стандартлари ва мамлакатимиз сайлов қонунчилигидаги ўзгаришлар, фуқаролик жамияти институтларининг сайлов

(Давоми 2-бетда).

29 март – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

МАМЛАКАТ ТАҚДИРИГА МАСЪУЛЛИК ҲИССИ

ҳар бир фуқаронинг инсонийлик бурчидир

жараёнидаги ўрни, сайлов кампаниясининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг роли, сайловга оид қонунларнинг мазмун-моҳияти, сайлов жараёнида қонунийликни таъминлаш, овоз бериш жараёнини ташкил этиш масалалари бўйича маълумотлар берилди.

Марказий сайлов комиссияси Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри чегаралари доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 14 сайлов округи, округ сайлов комиссиялари, ушбу комиссиялар эса, ўз навбатида, 9058 сайлов участкаси ва участка сайлов комиссияларини ташкил қилди. Ҳар икки даражадаги комиссиялар таркибига халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари тавсиясига асосан, жамоатчилик орасида обрў-эътибор қозонган кишилар киритилди. Ўзбекистон Республикасининг ҳорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида ҳам 44 сайлов участкаси тузилди.

Шу боис, юртимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссияларида ушбу муҳим сиёсий-ижтимоий тадбирга алоҳида тайёргарлик кўриш жараёнида фуқаролар учун барча қулайликлар яратилаётгани бунга яққол мисолдир.

Сайловни халқаро стандартларга мувофиқ ўтказиш учун бундай шароитларнинг яратилаётгани демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, кучли фуқаролик жамияти барпо этишда муҳим омил бўлмоқда.

Сайловолди ташвиқоти қизгин паллада

Сайловолди ташвиқоти Президентликка номзодлар ва сиёсий партиялар учун жид-

(Давоми. Боши 1-бетда).

дий синов ҳисобланади. Ўзбекистоннинг амалдаги қонунчилигида сайловолди ташвиқоти билан боғлиқ ҳуқуқий асослар мустақамланган бўлиб, ушбу жараённинг тенг шароитда, адолат, очиқлик ва ошкоралик мезонлари асосида олиб борилиши тўлиқ кафолатланган. Хусусан, “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги, “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги ва бошқа қонун ҳужжатларида сайловолди ташвиқотини амалга ошириш ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинган.

Хабарингиз бўлса, юртимизда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси кузатувчилари миссияси ўз ишини бошлади. Улар билан бўлиб ўтган учрашувларда мустақиллик йилларида Ўзбекистонда халқаро сайлов стандартларига мувофиқ демократик сайловлар ўтказиш борасида ижобий тажриба тўплангани гапириб ўтилди. Асосан, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи кафолатларини янада мустақамлаш, сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича миллий тажрибани бойитишга йўналтирилган сайлов қонунчилиги мунтазам такомиллаштириб борилмоқда. Марказий, округ ва участка сайлов комиссиялари ўз фаолиятида сайлов кампаниясининг барча босқичларида қонунийлик, ошкоралик ва транспарентлик принципларига қатъий риоя этилишига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Таъкидлаш жоизки, “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги қонуннинг 5-моддасига мувофиқ, миллий ва халқаро кузатувчилар сайловни кузатишда иштирок этиши назарда тутилган. Аини пайтда кузатув сайлов жараёнининг барча босқичларида, шунингдек, сайлов куни овоз бериш хона-

ларида ва овозларни санаб чиқишда амалга оширилиши мумкин.

Шунингдек, тадбирлар доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида журналистлар учун Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритишда оммавий ахборот воситалари иштирокининг долзарб масалаларига бағишланган онлайн-семинар ҳам бўлиб ўтди.

“Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги қонунга мувофиқ, сайлов комиссиялари фуқароларга сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ўз фаолияти, сайлов комиссиялари тузилгани, улар жойлашган манзил ва иш вақти ҳақида маълум қилади, сайловчилар рўйхати, сайловда иштирок этаётган сиёсий партиялар рўйхати билан таништирилади, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар тўғрисидаги маълумотлар билан таништириб, овоз бериш ва сайлов якунларидан хабардор қилади.

Сайлов жараёнининг очиқ ва ошкоралигини таъминлашда оммавий ахборот воситалари муҳим ўрин тутди. Тадбирларда Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари сайлов жараёнида фаол иштирок этаётгани қайд этилди. Сайлов комиссияларининг барча тадбирлари журналистлар иштирокида ўтказилмоқда. Мавзуга оид телекўрсатув ва радиозиттиришлар мунтазам эфирга узатилмоқда, сайловчиларга сайлов жараёни босқичларини тушунтирадиган роликлар намойиш этилмоқда. Сайлов кампанияси босма ва интернет-нашрларда ҳам кенг ёритилмоқда.

Марказий сайлов комиссиясининг қарорига мувофиқ, Президентликка номзодларнинг сайловолди ташвиқотини ўтказишда тенг шароит билан таъминлаш мақсадига уларга ўз дастурлари билан чиқиш қилиши учун Миллий телерадиокомпаниянинг “Ўзбекистон” ва “Ёшлар” телерадиоканалларида 900 дақиқадан

эфир вақти берилди, “Халқ сўзи”, “Народное слово” ва “Правда Востока” газеталарида бир хил – 10 саҳифагача нашр майдони ажратилди.

Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот маркази ташкил этилди. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида – округ сайлов комиссиялари ҳузурида ҳам шундай матбуот марказлари фаолият кўрсатмоқда. Аини пайтда Марказий сайлов комиссияси Президент сайловини ёритиш учун мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг 340 дан зиёд вакилини аккредитациядан ўтказди.

Шунингдек, Президентликка номзодлар сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш учун тенг ҳуқуққа эга. Ҳар бир номзод 15 нафаргача ишончли вакилга эга бўлишга ҳақлидир. Ишончли вакиллар номзодга сайлов кампаниясини ўтказишда ёрдам беради, уни Ўзбекистон Республикасининг Президенти этиб сайлаш учун тарғибот олиб боради, турли ташкилотларда номзоднинг манфаатини ҳимоя қилади.

Дарҳақиқат, 29 март куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови Ватанимизнинг янги тарихида гоёт муҳим ижтимоий-сиёсий воқеадир. Зеро, мамлакатимиз келажаги, унинг янада тараққий топиши сайловнинг барча иштирокчиларининг фаоллиги, сиёсий етуқлиги ва пировард натижада сайловчилар қабул қилдиган қарорга боғлиқ.

Авваламбор, мамлакатимизда тинчлик, хотиржамлик ва фуқаролар тотувлигининг мустақамлиги, иқтисодиётимизнинг барқарор суръатлар билан ривожланиб, аҳоли фаровонлиги, ҳаёт даражаси ва сифатининг муттасил ортиб бораётгани энг асосий ютуқларимиздандир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кен-

гашларига 2014 йилда бўлиб ўтган сайлов аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, ҳуқуқий ва сиёсий маданияти юксалганидан яққол далолат беради. Сайлов натижалари мамлакатимиз ва халқимизнинг асосий мақсади инсон ҳуқуқлари, манфаат ва эркинликларини, қонун устуворлиги, барча фуқароларнинг қонун олдида тенглигини таъминлайдиган демократик давлат барпо этиш тарафдори эканини яна бир бор намоён этди. Шу билан бирга, парламент сайлови ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ислохотлар қандай амалга оширилаётгани, бу жараёнда сиёсий партияларнинг иштироки, уларнинг фаолияти ва истикболдаги дастурий йўналишларини баҳолашда фуқароларнинг талабчанлиги қанчалик ошганини кўрсатди.

Буларнинг барчаси Президент сайловида иштирок этишга қарор қилган сиёсий партиялардан сайлов кампаниясида нафақат ўз фаоллигини кучайтириш, балки бу борада ўз фаолиятини, Президентликка кўрсатилган номзодларнинг ўз сайловолди дастурларини янада юксак сиёсий даражага кўтаришни талаб этмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда жаҳон андозаларига мос келадиган, очиқ, ошқаро сайловларни ўтказишга имконият яратадиган, жамиятда кўппартиявийлик тизимини ривожлантиришга ҳисса қўшадиган, замон талабига жавоб берадиган демократик сайлов қонунчилиги шаклланди.

Шундай экан, барчамиз мамлакатимиз тақдирини, халқимизнинг тинч-тотув, осуда ҳаёти, фаровонлиги йўлида муносиб номзодга овоз берайлик!

Намоз ТОЛИПОВ.

(Мақолани тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси материалларидан фойдаланилди).

Ибрат

БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИДАН ҚУВОНЧИ ЧЕКСИЗ

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг давлат ва жамият қурилишидаги фаоллигини ошириш, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш борасида кенг қўлланма ишлар амалга оширилмоқда. Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги “Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.



Жиззах вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бош шифокори Холида Алимова аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга муносиб ҳисса қўшиб келаётган етуқ мутахассислардан.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш жараёнида, аввало, она ва бола ҳамда баркамол авлод саломатлигини ҳимоя қилишга қаратилаётган алоҳида эътибор самарасида болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг моддий-техник базаси мустақамланди. Илгари шаҳар шифо-

хонаси бўлган уч қаватли бино 2010 йилда марказ тасарруфига берилиб, қайта таъмирланди. Марказнинг тўрт қаватли асосий биноси 2012 йилда тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, барча даволаш, ташхис қўйиш имкониятига эга 170 ўринли кўркам мажмуа барпо этилди.

Марказда қўшимча 100 ўринли ошхона, поликлиника, жарроҳлик, рентген, пульмонология, неврология, алергология, ортопедия, лор ҳамда оналарни соғломлаштириш бўлимлари янгидан ташкил этилди. Муассаса таркибидаги поликлиника замонавий УЗИ, ФГДС, ЭКГ, рентген, аудиограмма аппаратлари, биохимик анализаторлар билан жиҳозланиб, 15 турдаги муолажа амалга ошириладиган физиотерапия хонаси фаолият бошлади. Шифохона мажмуасини капитал реконструкция қилишда оналар ва болалар хоналари ташкил этилиб, улар зурур жиҳозлар билан таъминлангани даволаш ишларининг самарасини янада оширди. Бу бўлимда оналарнинг фарзанди ёнида бўлиши учун ҳам барча шароит яратилган.

Хорижнинг етакчи тиббиёт муассасалари билан ўрнатилган ҳамкорлик да-

вомида марказда эришилган ютуқлар катта қизиқиш билан ўрганилмоқда. Жумладан, япониялик ҳамшира Мацумото Месатасан “Беморга йўналтирилган ҳамширалик парвариши” лойиҳаси бўйича икки йил шу ерда ишлаб, жиззахлик ҳамкасблари тажрибасини ўрганиб қайтди.

Марказда шаҳар ва туман болалар шифокорлари малакасини ошириш билан бирга, муассаса мутахассислари туманларга чиқиб, у ердаги ҳамкасбларига услубий-амалий ёрдам кўрсатмоқда. Айниқса, олис ҳудудлардаги қишлоқ врачлик пунктларига болалар саломатлигини муҳофаза қилишда амалий ёрдам кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Холида Алимованинг ижтимоий фаолияти ҳам эътиборга лойиқ. 2009-2014 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси сифатида мамлакатимизда тиббиёт қонунчилигини мустақамлашда фаол иштирок этди. Аини пайтда Халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгаши депутати сифатида ҳам фаолият олиб бормоқда. Шифокорнинг болалар саломатлигини му-

ҳофаза қилишдаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб баҳолаб, у Президентимиз фармонида мувофиқ 2011 йилда II даражали “Соғлом авлод учун” ордени билан мукофотланди.

– Давлатимизнинг баркамол авлод тарбиясига қаратаётган доимий эътибори туфайли муассасамиз фаолияти йилдан-йилга яхшиланиб бормоқда, – дейди Х. Алимова. – Энг сўнгги русумдаги замонавий ускуналар иш самардорлиги ва сифатини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Муассасамиздан боласи соғайиб чиқаётган оналарнинг чехрасидаги табассумни, болаларнинг саломатлигини кўриш шифокор учун энг катта бахтидир. Шундай қувончли дамларда мустақиллик йилларида мамлакатимизда болалар саломатлигини мустақамлаш борасида амалга оширилаётган эзгу ишлар кўз олдимга келади. Агар бу миллионлаб оналар ва болаларнинг бахтли ҳаёти билан боғлиқ эканини ҳисобга олсак, унинг аҳамияти нақадар беқиёс экани аён бўлади.

Холида Алимова ўзини юртимиздаги энг бахтиёр оналардан деб билади. Унинг оиласи чин маънода шифокорлар оиласи. Турмуш ўртоғи Пўлат Алимов болалар шифокори. Фарзандлари ҳам ота-она изидан бориб, шифокорлик касбини танлаган. Аини пайтда пойтахтимиздаги етакчи илмий марказларда хизмат қилмоқда.

Тошқул БЕКНАЗАРОВ.
Шерзод НАЗАРОВ олган сурат. (ЎЗА).

Аёл ва жамият

ЮКСАК ЭЪТИБОР ВА ИШОНЧ

хотин-қизлар зиммасига катта масъулият юклайди

муҳофаза қилиш давлатимиз ва жамиятимизнинг доимий эътиборидаги энг устувор вазифа эканлигига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимиз парламентининг Қонунчилик палатасида хотин-қизлар 24 нафарни ташкил этади. Шу боис, хотин-қизларимиз сиёсий жараёнларда нафақат фаол иштирокчи, балки жамиятимизнинг катта кучига, шу билан бирга ҳал қилувчи омилига айланиб бормоқда. Аёллар саломатлиги ва аёл бахтининг тўқислиги, аввало оила мустақамлигини, оила мустақамлиги эса жамият тараққиётининг асосий омилidir. Шу боис, она ва бола саломатлигини таъминлаш, оилада соғлом муҳитни яратиш давлат сиёсатининг энг устувор йўналишлари даражасига кўтарилди. Умуман, ҳеч бир давлатда оила тақдирини, хотин-қизлар келажагини ҳамда уларнинг жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамоллигини таъминлаш масаласига Ўзбекистондагидек эътибор қаратилмаган, десам муболага бўлмайди. Бу ҳам ўзига хос ҳурмат ва эҳтиромнинг амалий ифодасидир, деб биламиз.

Дилором ТУРСУНОВА,
Ўзбекистон
Республикаси Соғлиқни
сақлаш вазирлиги
мутахассиси:

– Маълумки, миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, шубҳасиз, оиланинг, оилада эса аёлнинг ўрни ва таъсири бекиёсдир. Чунки инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётини тушунча ва тасавурлари биринчи галда оила бағрида ва она тарбияси билан шаклланади. Мамлакатимизда юртимиз хотин-қизларининг жамиятдаги ўрни, оилага бўлган муносабатлари, ижтимоий ҳаётдаги роли гоёт муҳим аҳамиятга эгаллиги боис уларнинг мавқеи ҳар жиҳатдан юқори баҳоланмоқда. Ҳуқуқий давлат ва демократик жамият қуриш йўлидан дадил одимлаб бораётган мамлакатимизда хотин-қизлар

(Давоми. Боши 1-бетда).



нинг эркалар билан барча соҳада тенглигини таъминлашга, уларни улуғлаш ва қадрлашга, қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган барча қонун ҳужжатлари халқаро ҳуқуқий меъёрларга асосланади. Аёлларимиз ўзларининг интеллектуал салоҳияти, чуқур билими ва изланишлари билан илм-фан ривожига ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Ҳақиқатда бирор давлатда бизнинг юртимизда бўлгани сингари хотин-қизларга эътибор кўрсатилмаган, эъзозланмаган, мамлакат таянчи сифатида эътироф этилмаган. Мана шу эътибор туфайли аёлларимизнинг ўртача умр кўриш ёши 67 дан 73 ёшга қадар узайганлигини алоҳида қайд этиш лозим. Фахр билан айтмоқчиманки, соғлиқни сақлаш тизимида ҳам кўп сонли хотин-қизларимизнинг халқимиз саломатлиги йўлида фидойи хизмат қилаётганлиги, бу албатта, уларнинг оила ва жамиятда тутган ўринларидир.

Кўп бора таъкидланганидек: “Оқила, гўзал аёллар ўзларининг гамхўрлиги, меҳрибонлиги, қалби дарёлиги билан оиладаги, қолаверса, бутун жамиятдаги мувозанатни, поклик, ҳалоллик, самимият ва адолат муҳитини сақлаб турадилар”, деган ишончларини оқлаш биз аёлларнинг вазиғамиз ва бурчимиздир. Онажон ва опа сингилларимизни баҳор айёми билан қутлаб, гўзаллик ҳамроҳ бўлишини истаб қоламан.

Сания АБДУЛЛАЕВА,
специалист Минздрава
Республики Ўзбекистон:

– Работая экономистом в Минздраве уже 45 лет, и мне очень нравится выбранная мною много лет назад профессия. Приятно видеть, как на твоих глазах возводятся новые объекты, оснащенные современным медицинским оборудованием. Широкомасштабные преобразования в стране направлены на то, чтобы люди могли получить своевременную и качественную медицинскую помощь. Большую роль в этом процессе играют инвестиционные проекты, реализующиеся на протяжении последних 5-ти лет и направленные на реконструкцию имеющихся медучреждений и возведение новых объектов. Так, в трех об-



ластях республики уже начали функционировать онкологические диспансеры, произведена оптимизация районных центральных больниц, отделения которых оказывают населению многопрофильную медицинскую помощь.

Радует, что в этих преобразованиях есть и твоя лепта. Лепта каждого сотрудника системы здравоохранения, где сегодня трудится немало представительниц прекрасной половины человечества. Сегодня женщины все чаще проявляют свою активность в различных сферах социальной жизни общества. На их хрупких плечах держится не только семья. Они успешно справляются и со своей работой. В преддверии весеннего праздника хотелось бы пожелать нашим женщинам любви и добра, спокойствия и семейного счастья.

Рихси САЛИХАДЖАЕВА,
Ўзбекистон
Республикаси Соғлиқни
сақлаш вазирлиги
мутахассиси:



– Юртимизда хотин-қизларни эъзозлаш, асраб-авайлаш, уларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини юксалтириш олиб борилаётган ислохотларнинг устувор йўналишларидан биридир. Дарҳақиқат, аёл тўғрисида қанчалар илиқ сўзлар айтсақда, озлик қилади. Биламизки, улар меҳрибон она, севимли ёр, рўзгорнинг сариштали бекаси бўлибгина қолмай, ишда ҳам фаол, билимдон ходимадир. Барча касблар қатори бугунги кунда соғлиқни сақлаш тизимида фаолият юритаётган аёлларимиз меҳнатини қанчалар эътироф этсак-да арзийди. Чунки улар тунларни тонларга улаб, бемор қалбларга нажот бахш этадилар. Соҳанинг ҳар бир йўналишида эришилаётган ютуқларда аёлларимиз меҳнатининг маҳсули ўз ифодасини топиб келмоқда. Айниқса, шифокор аёлларимиз орасида Ўзбекистон Қаҳрамони унвонига ҳамда давлатимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлган, шунингдек, улар орасидан депутатлик ва сенаторликка сайланган хотин-қизларимиз чин маънода бизнинг фахримиздир. Юқоридаги фикрларимизнинг хулосаси сифатида аймоқчиманки, Аёл – буюк сўз. Унда мусаффолик, дўстга хос фидойилик, она жасорати мужасамланган. Азиз аёлларимизни баҳор байрами – 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни билан самимий қутлаб қоламан.

Гульсара НИЗАМОВА,
специалист Минздрава
Республики Ўзбекистон:

– В министерстве работаю много лет. Наше управление занимается профилактикой различных заболеваний среди населения. Ведь, как известно, болезнь легче предупредить, чем лечить. Вот почему так важно вовремя выявить симптомы, которые в дальнейшем могут привести к недугу, а также определить группы риска среди населения, подверженных тем или иным заболеваниям.

По специальности я медсестра, но нашла себя в работе больше связанной с документацией. Но, и эти документы, по сути, направлены на то, чтобы вовремя оказать человеку помощь, сохранить его здоровье.



Считаю, в каждом деле должно быть призвание. Без этого невозможно достичь успеха в работе.

В канун 8 Марта желаю всем представительницам слабого пола найти себя в семье, сохранить которую тоже – призвание, личного счастья и удачи во всех начинаниях. Женщинам посвящено множество произведений литературы и искусства. Хотелось бы привести несколько строк, которые отвечают весеннему настроению и посвящены самому дорогому празднику:

**“Среди весенних первых
дней
8 Марта всех дороже.
На всей земле,
для всех людей
Весна и женщина
похожи!”.**

Фахр

ОИЛАДА ОҚИЛА – ЖАМИЯТДА ФАОЛ

Бугунги кунда ҳар бир соҳада аёлларимизнинг ўзига хос ўрни бўлиб, жумладан тиббиёт тизимида ҳам фаолият юритаётган хотин-қизларимиз орасида илмий салоҳият йўлида катта ютуқларга эришаётган соҳа мутахассисларимиз билан фахрлансак арзийди.

Ана шундай ўз касбининг билимдонни, ёш, иқтидорли, айна пайтда онкология йўналишида изланаётган Зилола Олимова ўтган йили Парижда ўтказилган жаҳон онкологларининг XXV Халқаро конгрессида инглиз тилидаги илмий маърузаси билан иштирок этиб, Somposter Award совринига сазовор бўлиб қайтган эди. 2015 йилнинг 3-5 февраль кунлари яна Париж шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон онкологларининг XXVI Халқаро конгрессида “Сут беги саратонида метроном кимёвий даволаш усулининг қўлланиш самараси” мавзусида инглиз тилида маъруза қилди. Мазкур конгрессда долзарб мавзудаги 30 та маъруза тингланган бўлса, фақатгина икки та совринли ўрин ажратилган эди. Бахтни қарангки, биринчи Somposter Award совринига ўзбекистонлик мутахассисимиз Зилола Олимова эга бўлди, иккинчи ўрин эса япониялик онкологга насиб этди. Албатта, бундай юқори муваффақиятларга эришишнинг ўзи

бўлмайди. Бу аввало, давлатимиз томонидан соғлиқни сақлаш тизимига қаратилаётган эътибор, қолаверса, ёш мутахассисларга кенг имкониятлар яратилаётганлигининг самарасидир. Шу ўринда таъкидлашимиз муҳимки, Зилола Олимова илк муваффақиятини қўлга киритганда, у Республика онкология илмий марказида фаолият юритар эди. Айни кунда эса Тошкент шаҳар онкология диспансерига меҳнат қилмоқда.

– Бундай муваффақиятларга эришимизда Республика онкология марказидаги устозларимизнинг хизматлари катта бўлди. Чунки, марказда илмий изланишда бўлган ёшлар учун барча шароитлар мавжуд. Шунингдек, республикамиз ва хорижий давлатларда бўлиб ўтадиган онкологларнинг съезд, форум, конгрессларида кўпроқ ёшлар жалб этилаётганлиги, албатта, қувонарли ҳолдир. Икки йилдирки, изланишларим натижаси халқаро давлатлар ичида юксак баҳоланиши ҳамда мавзунинг долзарблиги ҳайъат аъзоларида катта қизиқиш

уйғотганлигининг ўзи биргина менинг муваффақиятим эмас, балки юртимиз тиббиётининг ютуғи деб биламан, – дейди иқтидорли мутахассис Зилола Олимова.

Зилола Олимова ҳозирда онкологик касалликларда метроном кимёвий даволаш усулларини қўллаш бўйича изланишини давом эттириб келяпти. Ёш мутахассиснинг юқоридаги эришган муваффақиятлари қаторида ўтган йили Америка Қўшма Штатларининг Миллий рак институти томонидан грант олиш ҳуқуқини қўлга киритди ва 50 та давлат онколог-мутахассислари орасида икки ой давомида ушбу институтда таҳсил олди. Зилола ўқиб даврида Ўзбекистонда онкологик хизматнинг структуравий йўлга қўйилганлиги бўйича маъруза қилди. Шунингдек, дарс жараёнларида баҳс-мунозарага бой бўлган долзарб мавзуларда фаол иштирок этиб, ҳамкасблари билан биргаликда саратоннинг олдини олиш бўйича программалар тузишди. Аҳамият-лиси шундаки, гуруҳда таҳлил қилинган натижалар бўйича тингловчилар Ўзбекистон онкологияси ютуқларига тан бердилар.

Аввало, ота-она учун фарзанд муваф-



фақияти ва камолини кўриш энг олий саводатдир. Зеро, шифокорлар оиласининг сулолалари Авазхон ака ва Жумагул опалар қизлари Зилоланинг қўлга киритаётган ютуқларидан фахрланадилар.

Юртимизда ўз касбини севиб, ардоқлаб жамият тараққиёти учун катта ҳисса қўшаётган фидойи аёлларимизнинг борлиги бу бизнинг фахримиз. Шундай экан, Зилола Олимова каби тиришқоқ, изланувчан аёлларимиз сафи кенгайишини тилаган ҳолда, уларни кириб келаётган 8 март – Халқаро хотин-қизлар байрами билан чин дилдан қутлаб, мустақам соғлик, оилавий бахт ёр бўлишини истаб қоламиз.

**Саҳифа материалларини Ибодат СОАТОВА тайёрлади.
Суратлар муаллифи Анвар САМАТХОДЖАЕВ.**

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

ХАЛҚ МАНФААТИНИНГ УСТУВОР ИМКОНИЯТЛАРИ

2015 йилнинг 27 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2014 йил 18 декабрь куни киритилган “Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси ҳузурида ташкил этилган ишчи гуруҳининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, девон ходимлари, Ва-

таъкидлаш муҳимки, жорий йилнинг 20 февраль куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан мазкур қонун ло-

қонунчилик палатаси меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси Ёқуб Умаров кириш сўзи билан очиб, ушбу қонун инсонлар саломатлигини сақлашда муҳим ўрин тутиши, шунингдек, юртимизда унинг ижроси бўйича амалдаги фаолиятларга алоҳида тўхталиб, кун тартибига қўйилган асосий масала, яъни Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиришлар киритиш бўйича депутатлар томонидан берилган савол ҳамда таклифларга эътибор қаратди.



зирлар Маҳкамаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази, Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази ва “Ўзстандарт” агентлиги ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Йиғилиши биринчи ўқишда қабул қилинди. Мазкур қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 19 февралдаги “Соғлом бола йили” Давлат дастури тўғрисида”ги 2133-сонли Қарори ижросини таъминлаш мақсадида тайёрланган. Йиғилиши Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси



Мутахассислар йиғилиш давомида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра йодланган ош тузи жамиятнинг барча қатламлари учун хавфсиз ҳисобланиши, шу билан бирга, Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази маълумотларига кўра, йодланган ош ту-

зини истеъмол қилиш натижасида ҳеч қандай салбий ҳолат ва ножўя таъсирлар кузатилмаганлигини қайд қилдилар. Йодланган ош тузини истеъмол қилишга тиббий ёки бошқа қарши кўрсатмалар йўқ. Агар ҳар бир киши ўртача физиологик шароитда кунига 5 гр. ош тузи истеъмол қилиши назарда

тутилса, бу унинг кунига 200 мкг. йод қабул қилишини ва бу барча халқаро ташкилотлар тавсия этган энг оптимал миқдор эканлиги ойдинлашади.

Йиғилиш давомида иштирокчилар “Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида”ги 73-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси юзасидан депутатлар томонидан берилган саволларни муҳокама қилиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Йиғилиш якунида қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Ибодат СОАТОВА.
Суратлар муаллифи
Анвар САМАТХОДЖАЕВ.

Қонун лойиҳасига шарҳ**АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ ЯХШИЛАШ ВА МУСТАҲКАМЛАШДА****Йодланган ош тузи истеъмолининг ўрни**

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини сақлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, фуқароларнинг тиббий ҳуқуқларини қонуний кафолатлаш ва уларнинг миллий манфаатларини мустаҳкам ҳимоялаш масалаларига давлатимизнинг устувор вазифаларидан бири сифатида алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, аҳолини, айниқса, она ва бола саломатлигини сақлаш ҳамда мустаҳкамлашда йод етишмаслиги касалликларининг олдини олиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, соғлиқни сақлаш соҳасидаги энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Рақамларга мурожаат қилсак, дунёда йод етишмовчилиги мавжуд бўлган ҳудудларда 1,5 миллиардга яқин киши яшайди, яъни сайёрамизнинг учдан бир қисмидаги аҳолида йод етишмовчилиги касалликлари учраши маълум. Бу эса 800 миллион кишида буқоқ, 50 миллион кишида эса йод танқислиги оқибатида ақлий заифлик касалликлари келиб чиқаётганлигини кўрсатмоқда.

Йод – бу инсон саломатлиги учун зарур микроэлемент бўлиб, у қалқонсимон без томонидан ишлаб чиқариладиган гормонларнинг асосини ташкил этади. Бу гормонлар организм ўсиши, ривожланиши ҳамда танадаги барча аъзолар фаолияти учун муҳимдир. Йод организмда ҳосил бўлмайди. У асосан, озиқ-овқат маҳсулотлари

орқали қабул қилинади. У етарли миқдорда қабул қилинмаслиги оқибатида йод етишмаслиги ҳолатлари юзага келади.

2007 йилнинг 3 майида “Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниб, йодланган ош тузини ишлаб чиқариш, сотиш ва истеъмол қилиш соҳасида ҳуқуқий асос яратилди. Натижада мамлакатимизда эндокрин касалликлари тарқалишининг икки баравар камайишига ҳамда истеъмол қилинадиган ош тузи умумий миқдоридаги йодланган тузнинг улуши 1998 йилдаги 8 фоиздан 2010 йилда 66 фоизгача ошишига олиб келди. Лекин шунга қарамадсан, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги берган маълумотга кўра, бугунги кунда республика бўйича эндокринологик касалликлар умумий касалланиш тузилмасида тўртинчи ўринни эгалайди ва барча эндокринологик касалликлар ичида 65,8 фоизни қалқонсимон без касалликлари ташкил этиб келмоқда.

Мана шундай ўта хавфли касалликларнинг олдини олиш ҳамда уларга қарши курашиш мақсади-

да 2007 йилда қабул қилинган “Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш киритиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида муҳокама қилинаётган қонун лойиҳаларидан бири ҳисобланади.

Мазкур қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 19 февралдаги 2133-сонли Қарори билан тасдиқланган “Соғлом бола йили” Давлат дастурига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, Вазирлар Маҳкамаси томонидан Қонунчилик палатасига киритилган ҳамда палата кенгаши қарорига асосан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси ушбу қонун лойиҳасини маромига етказиш бўйича масъул этиб белгиланди.

Жорий йилнинг 20 февраль куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ялпи йиғилишида қонун лойиҳаси биринчи ўқишда депутатлар томонидан концептуал жиҳатдан қўллаб-қувватланди ҳамда иккинчи ўқишга тайёрлаш бўйича палатанинг қарори қабул қилинди.

Қонун лойиҳасига асосан, “Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг иккита моддасига, яъни 11- ва 15-моддаларига ўзгартиш киритишни назарда тутди.

Жумладан, биринчидан, “Йод танқислиги касалликлари профилактикаси тўғрисида”ги Қонуннинг 11-моддасидаги “Йодланган туз истеъмол қилиш тиббий жиҳатдан ёки бошқа жиҳатдан тўғри келмайдиган шахслар учун йодланмаган туз олиш имконияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда таъминланади” деган иккинчи қисм чиқарилмоқда.

Чунки, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, йодланган ош тузи жамиятнинг барча аъзолари учун хавфсиз ҳисобланади. Шу билан бир қаторда, Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази маълумотларига қараганда йодланган ош тузи ёрдамида ўтказиладиган йод профилактикаси натижасида ҳеч қандай салбий ҳолат ва ножўя таъсир шу кунгача кузатилмаганлиги таъкидланди.

Шунингдек, иккинчидан, 11-моддага киритилаётган ўзгартиш “Йод танқислиги касалликлари профилактикаси тўғрисида”ги Қонуннинг 15-

моддаси биринчи қисмидаги “Ушбу Қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно” деган сўзларнинг чиқиб кетишига асос бўлмоқда.

Қонун лойиҳасининг асосий мақсади Ўзбекистон Республикасида йодланган ош тузини ишлаб чиқариш, сотиш ва истеъмол қилиш соҳаларидаги муносабатларни тартибга солишни янада кучайтириш ҳамда аҳолини сифатли йодланган ош тузи билан тўлиқ таъминлаш йўли орқали йод етишмаслиги касалликларининг олдини олиш ва камайишидан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан соҳа мутахассислари ҳамда тегишли вазирлик ва идораларнинг масъул ходимлари иштирокида ўтказилаётган ишчи гуруҳи йиғилишларида ҳам қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш ҳамда биринчи ўқишда партия фракциялари ва депутатлик гуруҳлари аъзолари томонидан билдирилган таклиф ва мулоҳазалар атрофида муҳокама қилинмоқда.

Кисқача қилиб айтганда, мазкур қонун лойиҳасида мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган ҳамда истеъмол қилинаётган ош тузини йодлаш ҳамда шу орқали аҳоли саломатлигини янада яхшилаш ва мустаҳкамлаш мақсади туради.

Козим ТОЖИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзоси.

Инвестиция дастури амалда

Навоий вилояти

ОНКОЛОГИЯ РИВОЖИДА МУҲИМ ҚАДАМЛАР

Мустақиллигимиз шарофати билан тиббиётимизнинг ҳар бир йўналишида муҳим ўзгаришлар бўлиб, катта муваффақиятларга эришилмоқда. Жумладан, давлатимиз томонидан онкология соҳасига қаратилаётган эътибор боис, юртимизнинг барча ҳудудларида вилоят онкология диспансерларининг янгидан бунёд этилаётганлиги ва замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланаётганлиги, бу албатта, халқимиз саломатлиги йўлида амалга оширилаётганлиги эзгу ишлардан биридир.

Куни кеча ана шундай эзгу ишлардан бири Навоий вилоят аҳолиси саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида янгидан бунёд этилган вилоят онкология диспансерининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирни Навоий вилояти ҳокими ўринбосари У. Раззоқов кириш сўзи билан очиб, мамлакатимиз тиббиёт тизимида олиб борилаётган самарали ишларга эътибор қаратиб, жумладан, Навоий вилоятида ҳам Инвестиция дастури асосида тиббиёт муассасалари янгидан бунёд этилаётганлиги, шу билан бирга, айримлари қайта таъмирдан чиқарилаётганлиги, энг сўнгги русумдаги тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланаётганлиги

ва буларнинг барчаси аҳоли саломатлиги ва унинг турмуш фаровонлигига қаратилганлигини алоҳида эътироф этди. Шунингдек, Навоий шаҳар ҳокими Н. Аҳадов вилоятда бундай замонавий онкология диспансери жаҳон андозаларига мос тарзда янги қиёфага эга бўлганлиги ва даволанувчилар учун зарурий шароитлар мавжудлигини алоҳида таъкидлади.

– Онкология касалликлари жаҳон миқёсида ҳам ўта хавfli хасталик бўлиб, соҳа мутахассисларини ташвишга солаётганлиги барчамизга сир эмас. Шу боис, республикамызда бу касалликларнинг олдини олиш, самарали даволаш борасида қатъий ишлар олиб борилмоқда, – дейди Республика онкология илмий маркази

директори, тиббиёт фанлари доктори, профессор Саримбек Наврўзов. – Жиззах, Сирдарё, Наманган, Фарғона вилоятларида ҳам янгидан бунёд этилган вилоят онкология диспансерлари қаторидан ўрин олган Навоий вилоят онкология диспансерининг янги бинода иш бошлаганлиги, бу албатта, вилоят аҳолиси учун кенг қулайликлар яратиш билан бирга, саратон касалликларининг олдини олиш ва эрта аниқлашда муҳим ўрин тутди.

Инвестиция дастури асосида 6 миллиард 352 миллион сўм маблағ эвазига бунёд бўлган ушбу бинонинг 60 ўринли стационари ва 50 ўринли поликлиникаси қуриб битказилди. Бунда “151-қурилиш-монтаж поезди” масъулияти чекланган жамияти қурувчиларининг хизмати катта бўлди.

Таъкидлаш муҳимки, диспансерга маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан янги ЭКГ, ФЭК, центрафуга аппаратлари, микроскоп, биопсия учун гинекологик тўпламлар олинди. Шунингдек, бугунги кунда яна маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан 94



миллион 651 минг сўмлик тиббий аппаратура ва жиҳозлар келтирилмоқда.

Бундан ташқари, диспансер Инвестиция дастури асосида Ислон тараққиёт банки ҳамкорлигида жорий йилда 6 турдаги, яъни компьютер томографияси, масофадан туриб нурлантириш учун гамма-терапия аппарати, дуоденофиброскоп, колонофиброскоп ва бронхофиброскоп ва коагулятор каби замонавий тиббий ускуналар билан таъминланиши кўзда тутилган.

Тадбир иштирокчилари янгидан бунёд этилган вилоят онкология диспансерига бўлимлар фаолияти, беморлар учун яратилган шароит ва имкониятлар билан яқиндан танишиб чиқдилар.

Тадбир иштирокчилари янгидан бунёд этилган вилоят онкология диспансерига бўлимлар фаолияти, беморлар учун яратилган шароит ва имкониятлар билан яқиндан танишиб чиқдилар.

Фарғона вилояти

Шунингдек, Фарғона вилояти аҳолисига онкологик хизмат кўрсатишни янада сифатли амалга ошириш мақсадида янгидан бунёд этилган вилоят онкология диспансерининг ишга туширилганлиги даволанувчилар учун кенг қулайликлар яратилмоқда.

Шундай экан, 2013-2014 йиллардаги Инвестиция дастури бўйича вилоят онкология диспансерига ҳам янги радиология

блоки ва кимётерапия бўлимлари қуриб, фойдаланишга топширилди. Шу билан бирга, барча бўлимлар қайта таъмирдан чиқарилиб, замонавий тиббий асбоб-ускуналар, қаттиқ ва юмшоқ мебеллар билан таъминланди. 2015 йилнинг иккинчи ярим йиллигида диспансерга диагностик-даволаш, яъни радиология бўлими, операцион блок учун аппаратура ва тиббий анжомлар келтирилиши режалаштирилган.

Диспансер 100 ўринга эга бўлиб, кимётерапия, кўкрак қафаси хирургияси, умумий хирургия, реанимация, маслаҳат поликлиникаси, клиник ва патоморфологик лаборатория бўлимларига эга. Беморлар ҳамда мурожаат этиб келувчилар учун замон талабларига жавоб берадиган УТД, ФГДС, маммография, рентген, кольпоскоп аппаратлари билан бир қаторда, поликлиника бўлимида янги технологиялар асосида касалликни эрта аниқлаш, тўғри ташхис қўйиш ҳамда даво чорала-

ри учун белгиланишига замонавий усуллар қўлланилмоқда.

Мазкур тадбирда Республика онкология илмий маркази директори, профессор С. Наврўзов, Республика бош онколог Х. Исломов, Республика онкология илмий маркази профес-

сори Н. Йўлдошева ва Фарғона вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи М. Содиқовлар иштирок этиб, давлатимиз томонидан халқимиз саломатлиги йўлида олиб борилаётган хайрли ишларни эътироф этиб ўтдилар.



Ҳамкорлик ришталари

ЗАМОНАВИЙ РАҚАМЛИ МАММОГРАФ АППАРАТИ – АҲОЛИ ХИЗМАТИДА

Жаҳоннинг етакчи тиббиёт клиникалари ва ташкилотлари билан Республика онкология илмий маркази ўртасида ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилганлиги йилдан йилга мамлакатимизда онкология тизими ривожланиб боришида муҳим аҳамият касб этмоқда.

2014 йилда Республика онкология илмий маркази ходимлари Япония ҳукуматининг тиббиётни ривожлантириш бўйича эълон қилган махсус грантини қўлга кириштиди. Ушбу грант лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамкорлигида кўриб чиқилди. Япониянинг “Fuji” ташкилоти билан ҳамкорликда ушбу грант лойиҳаси асосида энг замонавий рақамли маммограф ускунаси Республика онкология илмий марказига тақдим этилди. Ушбу маммограф ус-

кунаси жаҳон тиббиётининг энг сўнгги ютуқларидан бири бўлиб, Ўзбекистонда онкологик касалланиш бўйича етакчи ўринни эгалловчи сут бези саратони касалликларини эрта ташхислашда асосий ўринга эга.

Ушбу рақамли маммограф аппаратини тақдим этиш маросими 2015 йилнинг 26 февраль кунини Республика онкология илмий марказида бўлиб ўтди. Унда “Fuji” ташкилоти президенти Джон Хигучи, маммографик ва радиологик тизимлар бўйича худудий менежер Юсуке Фужита, эндоскопик тизимлар бўйича

худудий менежер Шафак Ченик, Республика онкология илмий маркази директори, профессор Саримбек Наврўзовлар иштирок этиб, мазкур йўналишдаги ҳамкорлик алоқалари яқин келажақда юксак самара беришини айтиб ўтдилар. Шунингдек, учрашув давомида “Fuji” ташкилоти билан марказ ўртасида икки томонлама ҳамкорлик ҳужжатлари имзоланди ҳамда келгусида Ўзбекистон – Япония давлатлари ўртасида ҳамкорлик ишларини янада ривожлантириш борасида келишиб олинди.

Тадбир якунида япониялик мутахассислар Республика онкология илмий марказида олиб борилаётган илмий ва амалий ишлар, беморларга яратилган шароитлар билан яқиндан танишиб, амалдаги эришилаётган ютуқларга муносиб баҳо берди-



лар. Бундай халқаро келишув ва битимларнинг имзоланиши, албатта келажақда тиббиётимиз янада ривожланиши ва инсонлар саломатлигини тиклаш йўлида олиб борилаётган кенг қўламли

ишларнинг самарадорлигини ошириши шубҳасиздир.

Олимжон ИМОНОВ,
Республика онкология илмий маркази мутахассиси.

Год внимания и заботы о старшем поколении

ЗДОРОВЬЕ – НАШ КОМПАС ЗЕМНОЙ

Бережное, трепетное отношение к старикам – показатель уровня культуры общества, а главное, – основа их долголетия. С годами человек накапливает, увы, не только жизненный опыт и определенную мудрость. Организм становится подвержен различным болезням. Предотвратить

их возникновение или дальнейшее развитие, а значит, повысить качество жизни пожилых людей, призвана была благотворительная акция, организованная специалистами консультативной поликлиники 2-й клиники Ташкентской медицинской академии.

клиники ТМА Алишера Мирзаева, пожилые люди, многие из которых перешагнули 80-летний рубеж, обследовались в течение дня у окулиста, невропатолога, терапевта, кардиолога, лора, сосудистого хирурга, сто-

рождения, в прошлом инженер). – Об акции нас информировали в махаллинском комитете. До этого проходил регулярные обследования в районной семейной поликлинике. Сегодня же круг наше-




Мероприятие прошло в рамках провозглашения Президентом республики Узбекистан 2015 года "Годом внимания и заботы о старшем поколении", а также реализации принятой в связи с этим Государственной программы. Данная программа нацелена на дальнейшее повышение уровня и качества жизни пожилых людей, увеличение масштабов их материальной и моральной поддержки, совершенствование социального, пенсионного и медицинского обслуживания людей преклонного возраста, особенно ветеранов войны и тру-

дового фронта 1941-1945 годов. Также особое внимание в Госпрограмме уделяется повышению уровня и качества медицинского и социального обслуживания ветеранов и людей преклонного возраста путем организации их системного оздоровления, расширения профилактических мероприятий, охвата и доступности современных методов лечения.

– Обследование пожилых пациентов на бесплатной основе

включено в этом году в план работы поликлиники при нашем медузведении, – рассказал нам заместитель главврача по хирургии 2-й клиники ТМА Бахриддин Каримбердыев. – Хочу отметить, что подобные акции в рамках реализации госпрограммы мы проводим регулярно. Так, в прошлом году, объявленном "Годом здорового ребенка" бесплатное медицинское обследование было организовано для воспитанников детдомов.

В этом же году первой "ласточкой" в цепочке добрых дел стало медицинское обследование пожилые люди "Гулзор" Олмазарского района Ташкента.



По словам заведующего консультативной поликлиникой 2-й

из участников медосмотра Рахматулла Абдусаматов (1935 года

матолога, уролога, ортопеда и других специалистов. Им также были проведены УЗИ, доплер, ЭКГ, рентген, развернутый общий анализ крови и общий анализ мочи.

– Подобные мероприятия помогают в полной мере ощутить заботу к нам со стороны государства, – поделился своими впечатлениями один из участников медосмотра Рахматулла Абдусаматов (1935 года

го медицинского осмотра расширился, будут проведены дополнительные исследования, а по их результатам врачи дадут рекомендации на будущее. Такой серьезный врачебный контроль поможет нам держать себя в форме, не сдаваться в плен годам.

Благотворительная акция завершилась, но в планах у консультативной поликлиники 2-й клиники ТМА продолжить обследование пожилых людей, проживающих в близлежащих с медузведением махаллах.

Оксана КАДЫШЕВА.
Фото **Анвар САМАТХОДЖАЕВА.**

МОБИЛЬ СОГЛИКНИ САКЛАШ:

бу янгиликдан хабардормисиз?

Дунё миқёсида соғлиқни сақлаш тизими учун кадрлар етишмовчилиги, шунингдек, айрим муаммоларнинг юзага келаётганидан кўз юма олмаймиз. Экологик вазият танг, чучук сув захираси ер юзидаги бутун инсоният эҳтиёжини қоплаб ололмайди, айрим касалликлар ёшариб бормоқда. Касалликларнинг олдини олишда мобил технология ва симсиз алоқа воситаларидан фойдаланиш, яъни мобил соғлиқни сақлаш жараёни дунё миқёсида тиббий хизматнинг янгича ёндашувларини юзага келтириши башорат қилинмоқда.

Халқаро электрон алоқалар иттифоқи маълумотларига кўра, дунё бўйича симсиз алоқа воситаларидан фойдаланувчи абонентлар сони 5 миллиарддан ошган. Уларнинг 70 фоизи даромади бўйича ўрта ва паст даражада бўлган мамлакатларда истиқомат қилади. Ўзбекистонда мобил алоқа хизматидан фойдаланувчилар сони 19,6 млн. кишини ташкил этади. Бу рақам мобил алоқа хизмати билан аҳолининг 64 фоизи қамраб олинганини кўрсатмоқда. Мобил алоқа телефонидан фойдаланувчилар сони бўйича олдинги ўринда Beeline, кейинги ўринда Ucell, Perfectum Mobile, Uzmobil ва UMS компаниялари турибди.

Мобил соғлиқни сақлаш (mHealth) электрон соғлиқни сақлашнинг бир қисми бўлиб, мобил алоқа воситалари (мобил телефон, беморлар саломатлигини назорат қилувчи ускуналар, персонал чўнтак компьютерлари ва бошқа симсиз алоқа воситалари) ёрдамида жамоат соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш ҳамда шифокорлик амалиёт-

ларини бажариш тушунилади. Мобил соғлиқни сақлаш тизимида қисқа SMS хабарларидан фойдаланилади.


Ҳозирги кунда дунё бўйича мобил соғлиқни сақлаш соҳасида 14 хил хизмат тури маълум ва фаолият кўрсатмоқда, шулардан бири касалликларнинг олдини олишда аҳоли хабардорлигини оширишдир. Бу хизмат юқумли касалликларнинг олдини олиш, тўғри овқатланиш, жисмоний фаоллик, профилактик эмлаш ҳақидаги маълумотларни аҳолига етказиш ва

хомилдорликка оид фойдали маслаҳатлар бериш орқали амалга оширилади. (1-расм).

Кўпгина мамлакатларда мобил соғлиқни сақлаш тизими йўлга қўйилган. Масалан, Янги Зеландияда бу тизим орқали "Чекишдан воз кечиш" дастури амалга оширилмоқда. Бу дастур клиник синовдан ўтган бўлиб, тўпланган тажриба бошқа мамлакатларга тарқатилади. Бу дастурнинг вазифаси чекишни ташламоқчи бўлганларни қўллаб-қувватлаш мақсадида қисқа SMS хабарларини юбориб, кашандаликнинг зарарли оқибатларидан огоҳ этишдир.

Европа мамлакатларида SMS хабарлари сурункали қандли диабет, астма, ортиқча вазн, ўпканинг сурункали обструктив, юрак ишемик касалликларининг олдини олиш ва даволаниш тартибига риоя қилиш ҳақида юборилади. SMS хабар матнлари аҳолининг кенг қатламларига ва айнан бир мақсадли гуруҳларга мўлжалланган бўлиши мумкин. (2-расм).

Ахборот коммуникация технологиялари Ўзбекистон аҳолиси ҳаётининг барча жабҳаларига кириб келди. Замонавий технологиялар соғлиқни сақлаш тизимидаги мавжуд жараёни янада ривожлантиради, бойитади. Мобил соғлиқни



2-расм. SMS хабар матнларини юбориш учун мақсадли гуруҳлар

Мақсадли гуруҳ:

- Барча аҳоли;
- Катталар;
- Болалар;
- Хомилдорлар;
- SMS хабар мазмунини:
- касалликларни олдини олиш,
- аҳолини тиббий билимларини ошириш,
- профилактик эмлаш кунлари,
- дори – дармонларни қабул қилиш,
- тўғри овқатланиш ҳақида.

Америка Қўшма Штатлари ва бир қатор Осиё мамлакатларида хомилдор аёлларга доимий назоратда бўлишлари, ОИВ/ОИТС касаллигига қарши тест ўтказиш ва эмлашлар ҳақида SMS хабарлари юборилади. Абонент ўзининг почта индексини қисқа рақамга юбориш орқали яқин жойдаги ОИВ/ОИТС марказининг манзили ва керакли маълумотларни олиши мумкин.

МОБИЛЬ СОГЛИКНИ САКЛАШ



1-расм. Аҳоли хабардорлигини ошириш

мизни энгил қилмоқда. Ҳозир қайси корхона, ташкилот, муассасага кирманг, энг сўнги русумдаги техник воситалар ҳодимнинг ишини энгиллатади, вақтини тежайди. Юртбошимизнинг яқинда матбуотда эълон қилинган "Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтиришнинг бош мақсади ҳисобланади. Ташкил этилаётган янги вазирлик замонавий ахборот технологияларини турмушга кенг татбиқ этишнинг устувор вазифаларини белгилаб олади. Умид қиламизки, жамият ҳаётининг барча соҳаларида кенг қўлланилаётган янги технологиялар соғлиқни сақлаш тизимидаги мавжуд жараёни янада ривожлантиради, бойитади. Мобил соғлиқни

сақлаш тизимини йўлга қўйиш эса касалликларнинг олдини олишда, аҳолини огоҳликка қорлашда муҳим аҳамият касб этади.

Республика саломатлик ва тиббий статистика институти Республика ихтисослаштирилган кардиология, эндокринология, онкология илмий-амалий тиббиёт марказлари, Республика травматология ва ортопедия илмий-текшириш институти билан ҳамкорликда 60 дан зиёд тиббий характердаги SMS хабар матнларини тайёрлади. "Smile Mobile" хусусий корхонаси билан бирга SMS хабар матнларини тарқатиш учун "Соғлом ҳаёт" лойиҳаси бўйича тест синовлари ўтказилмоқда.

Зулхумор МУТАЛОВА,
Республика саломатлик ва тиббий статистика институти директори.

Горизонты медицины

ВТОРОЕ ДЫХАНИЕ НИТЕЙ ЖИЗНИ

Артерии и сосуды – невидимые нити, поддерживающие наше существование. Их можно сравнить с магистралями, поставляющими столь необходимый органам и тканям кислород. Выход из строя одного звена этой хрупкой системы грозит гибелью целого организма. Медицинская наука не стоит на месте: сегодня врачи способны

вернуть поврежденным в результате травм и серьезных болезней сосудам прежние функции. Подготовкой к проведению уникальных операций на сосудах и последующим послеоперационным восстановлением пациентов сегодня занимаются специалисты отделения реабилитации при 2-й клинике Ташкентской медицинской академии.



Отделение, наполненное светом, простором и уютом помогает людям с тяжелыми недугами отвлечься от грустных мыслей. Уверенность в скорейшем выздоровлении внушают пациентам и врачи, которые смогли достичь больших успехов в борьбе с ишемической болезнью сердца, инфарктом миокарда, инсультом и многими другими болезнями.

Наше отделение начало свою работу 1 апреля 2013 года согласно указу Минздрава республики 1519/30 от 8 февраля 2012 года, – рассказывает заведующий отделением реабилитации при 2-й клинике Ташкентской медицинской академии, **врач высшей категории Акрам Хидиров.** – Отделение было открыто в целях дальнейшего развития в республике экстренной помощи, а также связано с созданием в нашей клинике новых отделений (ангионеврологии, коронарографии) и применением новых способов оперативного вмешательства – на сонных артериях, стентирование коронарных артерий. Появилась необходимость в подготовке пациентов с кардио-церебральными заболеваниями к подобным операциям, а также их послеоперационной реабилитации.

Постоянный обмен опытом с зарубежными коллегами из России, Индии, Чехии и других стран помогает нашим врачам день за днем совершенствовать свои навыки в области коронарографии и стентирования сосудов. Стоит отметить, что современные кардиологи имеют на вооружении много прогрессивных методов оперативного лечения. Однако, до появления внутрисосудистых методов лечения единственным хирургическим методом лечения ишемической болезни сердца была операция коронарного шунтирования (создание шунта в обход суженного участка кровеносного сосуда). Сейчас многим больным удается избежать хирургического вмешательства благодаря использованию эффективных и малотравматичных методов, одним из которых и является коронарное стентирование (имплантация коронарного стента). Стент, используемый при эндоваскулярных операциях, представляет собой проволочный каркас цилиндрической

формы изготовленный из металлического сплава, он покрыт лекарственным веществом для предотвращения развития вторичных сужений. Стент имплантируется в суженный сегмент сердечной артерии при помощи баллонного катетера. Коронарный стент поддерживает артерию в открытом состоянии. Стентирование коронарных артерий выполняется пациентам с ишемической болезнью сердца, со стабильной стенокардией. Успешно выполненное стентирование убирает характерные для ишемической болезни сердца проявления, повышает качество жизни пациентов. Использование стентов с лекарственным покрытием последнего поколения позволяет практически полностью исключить веро-

стное вещество, стент раскрывается и имплантируется в артерию, расширяя ее. После чего баллонный катетер сдувается и извлекается из артерии, а стент остается в раскрытом состоянии, поддерживая артерию. При завершении процедуры рентгенохирург вводит контрастное вещество в коронарную артерию,

Концепция расширения пораженных участков сосуда с помощью некоего каркаса была предложена еще 40 лет назад. Разработка метода заняла длительное время, первая операция по этой технологии была произведена только в 1986-м году. И лишь в 1993-м году была доказана эффективность метода стентирования для восстановления проходимости коронарной артерии и удержания её в новом состоянии в дальнейшем.

Стент – это тонкая металлическая трубочка, состоящая из проволочных ячеек, раздуваемая специальным баллоном. Он вводится в пораженный сосуд и, расширяясь, вжимается в стенки сосуда, увеличивая его просвет. Так улучшается кровоснабжение сердца.



ятность развития повторного сужения в месте имплантации стента.

Операция по стентированию коронарных артерий выполняется под рентгеновским контролем в специальной операционной, оборудованной ангиографическим аппаратом. По завершению подготовительного этапа врач проводит местное обезболивание в области запястья или паховой области, куда планируется установить интродьюсер (катетер – порт). После того, как начинает действовать анестетик, выполняется пункция (укол) артерии и установка интродьюсера. Через интродьюсер врач устанавливает катетер в сердечную артерию. По катетеру через стенозированный (суженный) участок артерии рентгенохирург устанавливает проводник. Далее по проводнику в суженный участок артерии проводится баллонный катетер, на котором смонтирован стент в закрытом состоянии. В баллонный катетер нагнетается контра-

чтобы убедиться, что стент полностью расправлен, и только после этого убирает все инструменты. В зависимости от размера пораженного сосуда могут использоваться один или несколько стентов.

Что же касается операций на сонных артериях, представляющих собой сосуды, через которые осуществляется снабжение органов шеи и головы, то врачи рекомендуют оперативное вмешательство во всех случаях выявления их изменений. Операция на сонных артериях – это чуть ли не единственный эффективный метод лечения многих болезней (тромбофлебита и закупорки мелких артерий и вен, инсульта и многих других). Консервативное лечение назначается только в случаях строгих противопоказаний к операции.

В настоящее время, по словам Акрама Бахтияровича, в отделении на 20 коек лечение и реабилитацию проходят пациенты по основным коронарно-церебральным заболеваниям,

которым нужно оперативное вмешательство, а также больные травматологического отделения с сопутствующими серьезными заболеваниями сердца. Есть также пациенты, уже перенесшие инфаркт миокарда и решившиеся на стентирование коронарных артерий с целью предотвращения развития нового инфаркта.

Прежде чем попасть в отделение реабилитации пациенты открывают в консультативной поликлинике при 2-й клинике ТМА амбулаторную карту. Период подготовки к операции составляет в зависимости от состояния пациента от 5-ти до 10-ти дней. В отделении помимо поликлинического обследования проводится также УЗИ вен, ЭКГ и холтеровское мониторирование (суточное мониторирование ЭКГ), представляющее собой метод электрофизиологической инструментальной диагностики. Холтеровское мониторирование является одним из популярных методов диагностики нарушений сердечного ритма. Он показан пациентам с жалобами на сердцебиение и перебои в работе сердца – для выявления нарушений ритма и проводимости сердца, с неясными обмороками, а также частично для регистрации "немой" (безболевого) ишемии миокарда, для оценки некоторых параметров работы электрокардиостимулятора. Послеоперационный период в отделении реабилитации также длится до 10-ти дней. Выписка производится только после того, как врач убедится в том, что в домашних условиях человек себя будет хорошо чувствовать. В последующем бывшие

пациенты проходят наблюдение в поликлинике, их также консультируют сотрудники отделения реабилитации.

"Дома очень плохо себя чувствовал, – поделился с нами один из готовящихся к операции стентирования коронарных артерий 62-летний пациент Миркадыр Садыков. – Сейчас, находясь в отделении, мне стало намного лучше. Назначили курс лекарственной терапии, ощущаю заботу со стороны медперсонала, что придает сил перед предстоящей операцией. Думаю, что она пройдет успешно, и, у меня уже есть планы на будущее. После реабилитации хочу провести санаторно-курортное лечение".

Для врача слова благодарности пациента – лучшая награда за нелегкий и ответственный труд. И такие теплые искренние слова врачи открывшего совсем недавно отделения реабилитации слышат довольно часто. Сегодня отделение начинает себя оправдывать, сюда поступают пациенты со всей республики.

В дальнейшем, как рассказал нам Акрам Хидиров, планируется расширить отделение реабилитации, увеличить количество коек. Также в планах создать в отделении **велоэргометрию**, которая позволяет определить функциональную нагрузочную пробу с ЭКГ. Велоэргометрия используется для диагностики скрытых проявлений коронарной недостаточности (ишемической болезни сердца); оценки эффективности лечения и реабилитационных мероприятий, в том числе после перенесенного инфаркта миокарда; определения характера реакции функциональных систем организма на нагрузку (чрезмерный подъем или снижение артериального давления, степень увеличения частоты сердечных сокращений, нарушения сердечного ритма и проводимости), а также для определения прогноза заболевания.

Оксана КАДЫШЕВА.
Фото Анвара САМАТХОДЖАЕВА.

Спорт

Гимнастика оммалашмоқда

Бухоро вилояти Ғиждувон тумани Зафаробод шаҳарчасидаги Ёшлар маданият ва спорт марказида 320 нафар ўғил-қиз спорт машғулотлариға жалб этилган.

Замонавий марказда бокс, волейбол, миллий кураш, футбол, бадий гимнастика, хореография каби спорт тўғарақлари йўлга қўйилган. Айниқса, бадий гимнастикаға қизиқиш катта – 70 дан зиёд қизлар ушбу спорт тури билан мунтазам шуғулланаётир. Бунда малакали мураббия Светлана Бозорованинг ҳиссаси катта. Марказнинг ёш гимнастикачилари мамлакатимиз миқёсидаги мусобақаларда яхши натижаларға эришмоқда.


Тоҳир ИСТАТОВ. (ЎЗА).



Обуна – 2015

Хурматли мушаррийлар!
«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетасига 2015 йил учун обуна мавсуми давом этмоқда.

Республикаимиз тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ижобий ишлар ҳамда ҳамкасбларингиз тажрибаси билан танишишни, шунингдек, тиббиёт янгиликларидан хабардор бўлишни истасангиз, севимли газетангизга обуна бўлишни унутманг!
Нашр индекси: 128.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОГЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

Ўз ҳаёт فراолиятини тиббиёт билан боғлаган барча
она-сингилларимизни баҳорнинг илк айёми –
8 март – Халқаро хотин-қизлар байрами
билан чин юракдан муборакбод этади.



ЎЗБЕКИСТОН СОГЛИҚНИ САҚЛАШ ВА ФАРМАЦЕВТИКА ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ

Аёл зотини кўкларга кўтариб, шеър битмаган шоир, таърифу
тавсиф бермаган ёзувчи, кўшиқ куйламаган
хонанда бўлмаса керак. Чиндан ҳам аёллар борки, ҳаётимиз
гўзал, уйимиз саранжом-сариншта, дастурхонимиз фрайзли, дея
юртимизнинг барча аёлларини
8 март – Халқаро хотин-қизлар байрами
билан самимий кутлайди.



Газета
муассиси:
Ўзбекистон
Республикаси
Соғлиқни
сақлаш
вазирлиги

Бош муҳаррир Асилбек ХУДАЯРОВ
Нашр учун масъул
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.
Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «i» шартли белгиси қўйилади.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри,
Истикбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот
агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни
рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят
компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

Адади 7317 нусха.
Буюртма Г-358.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида
чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚҶШОҚОВ.

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.

